

**ХИЗМАТЛАР КУРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 1807**

Самарқанд шахри

«18» 07 2022й.

«Электртаъмир» МЧЖ, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Узининг Низоми асосида иш юритувчи Ф.Акбаров номидан, бир томондан ЗИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, узининг Низоми асосида иш юритувчи И. Исмоилов номидан, иккинчи томонидан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га электродвигателларни жорий таъмирлаш учун (кейинги уринларда-«Хизматлар» деб юритилади) хизмат кўрсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.2. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Электродвигател жорий таъмирлаш ишлари Лота № 123283	Улчов бирлиги	Микдори	Бир бирлик товар (иш хизмат) нархи	ККС 15%	Баҳоси ККС билан
1	1250 кВт 1000 об мин	Дона	1	47400278.26	7110041.74	54 510 320
	Жамми:					54 510 320

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифатга эга булган хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга булмаган «хизматлар» кўрсатилган тақдирда уз танлашига кура:

-зарур сифатга эга булмаган «Хизматлар» шунга ухшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

-«Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

-баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «бажарувчи»дан талаб қилиш;

2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида «бажарувчи» билан шартнома тузиш;

2.2.2. Уз буюртманомаси буйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида курсатилган нарх буйича, қабул қилиш -топшириш далолатномаси имзолаган пайтдан бошлаб, газначилик бошқармаси руйхатидан ўтказилгандан сунг 15 кун мобайнида ҳақ тулаш.

2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш;

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасида руйхатдан утказилгандан сунг «Хизматлар»ни кўрсатиш:

- 2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар «Хизматлар»ни кўрсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган булса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 54 510 320 (эллик тўрт миллион беш юз ўн минг уч юз йигирма) сум қ.к/с билан ташкил этади. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 30 % ни ташкил қилади. Қолган 70 % ни хизматлар кўрсатилгандан кейин ўтказиб берилади. Кўрсатилган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган «Хизматлар» учун пул кучириш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома талабларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Буюртмачи»нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бошқармасининг штампда кўрсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тулаш буйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда «Хизматлар» кўрсатилиши Ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Хизматлар» ўрнини тулдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тулдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича кўрсатиладиган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган «Хизматлар» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртномасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан ўтказиш дафтари юритилади.
- 4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртномани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Агар кўрсатилган «хизматлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада булмаган «хизматлар» қайтарилади.
- 5.2. «Хизматлар» кўрсатиш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи»га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак булган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тулайди. Жаримадан ташқари

«Бажарувчи» «Буюртмачи» га «Хизматлар» курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

5.3. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси курсатилмаган «хизматлар» кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томони шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.4. Курсатилган «Хизматлар» учун уз вақтида туланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида махсус хисоб ракамидан пеня тулайди, биров бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.

5.5. «Буюртмачи» томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи» нинг жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контракция шартномаси буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи» нинг жавобгарлиги хам куриб чиқилади. «Бажарувчи» нинг айби билан контракция шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижада етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.6. «Хизматлар» ни бажаришда алмаштирилган рангли ва кора металл материалларни чикиндалари «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» га кайтарилади.

5.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлик тўғаланган тақдирда тўхтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро кеклишувга асосан еки Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3. Мазкур **54 510 320** (эллик тўрт миллион беш юз ўн минг уч юз йигирма) сум қ.к/с билан ташкил этади. № 2807 сонли шартнома 2022 йил «28» 07 _____ 2 нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил «28» 07 сана 2022 йил 31 декабргача амал қилинади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят Ғазначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларининг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларининг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларининг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4.Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) руйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.


9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Бажарувчи”

ООО «ЭЛЕКТРТАЪМИР»
140527, Республика Узбекистан, Самарканд
вилояти Пастдаргом тумани Чарогон
кишлоғи, тел: (99895) 500-45-53, р/с
20208000400375953001 «Умар» АЙКТБ «Ипак
Йули» код 00283, ИНН 201864905,
ОКЕД: 33140

“Буюртмачи”


ЗИТХБ қошидаги НС ва ЭБ
Манзили: Самарканд ш., Рудакий куч.174
Тел/факс: 234-04-64
ш/хв:100021860184017042402170006
Банк номи: Марказий банк ХККМ
МФО: 00014 ИНН: 201878214
ОКЕД:22100

Директор  Ф. Акбаров

Бўшдаги  И. Исмоилов



Ғазначилик номи: Молия вазирлиги
Ғазначилик Самарканд вилояти
х/р: 23402000300100001010, МФО: 00014
ИНН: 201122919

Хукукшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш) 
Лицензия (диплом) ва берилган санаси: _____
Имзоланган сана _____

СОГЛАСОВАНО
 Начальник Самаркандского УНЭСИС
 И. Исмоилов

" УТВЕРЖДАЮ"
 Директор:ООО "Электртаъмир"
 Ф.Акбаров

ТРУДОВЫЕ ЗАТРАТЫ и КАЛКУЛЯЦИЯ
 на ремонт электродвигателя 1250 кВт 1000 об.мин

№ п/п	Виды работ,исполнитель				ч/час
Начальник цеха					
1	Осмотр,составление и выдача "Заказчику" ведомости				1
2	Офомление акта сдачи-приемки				2
3	ротор и электродвигателя перед разборкой				2
4	Очистка ротора электродвигателя перед разборкой				6
5	Демонтаж				28
6	Ремонт активной стали				22
7	наложение прокладка на электродвигателя				15
8	Наложение высовольтного изоляции				48
9	Монтаж обмотки электродвигателя				53
10	Монтаж схемы обмотки ротора электродвигателя				18
11	Бандаж схемы электродвигателя				10
12	Промежуточное испытание				4
13	Пропитка и сушка лаком				18
14	Испытание ротора электродвигателя				2
15	ИТОГО:				229
16	Стоимость 1 час,сум				26 200
17	Трудозатраты, сум				5 986 700
18	Отчисление на ЕСП 12%				718 404
Расшифровка материалов:					
19	Материалы	изм.	к-во	цена	сумма
21	Краска НЦ	кг	2,2	44000	96 800
22	кислород	м.куб	12	3624	43 488
24	пропан	кг	8	4200	33 600
26	Текстолит	кг	18	97900	1 762 200
28	Лента ЛСК	кг	97	203478	19 737 366
31	Изол.лак МЛ-92	кг	18	48695	876 510
32	Провод ПСДК	кг	27	172000	4 644 000
	ИТОГО:				27 193 964
34	Рентабельность 25%				6 702 719
35	Прочие затраты 25%				6 798 491
36	Цена до уплата налога				47 400 278
37	НДС 15%				7 110 042
38	Цена с налогом				54 510 320

Составил: Бухгалтер

Нач.Цех:



Бахранова Ш.

Раджабов А.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«ЗИТХБ хузуридаги насос
станциялари ва энергетика
бошқармаси бошлиғи»



И.Исмоилов

ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига карашли
электродвигател таъмирлаш бўйича хизмат курсатувчи ташкилотлар
ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«27» 07 2022 й.

Раислик қилувчи

Ш.Рахмонов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

А.Бекмуратов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

А.Азизов

Комиссия аъзоси, МУУХАВБ бошлиғи

О.Тоштемиров

Комиссия аъзоси, НСЭҚБ бошлиғи

М.Корабаев

Комиссия аъзоси, ТКФБ бошлиғи

Ш.Козоков

Котиб, Давлат харидлари мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

“Электродвигателлар жорий таъмири бўйича.

ЗИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ томонидан 2022-йил 18-июлда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига электродвигател жорий таъмирлаш бўйича №123283 лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022-йил 25-июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “электродвигател жорий таъмирлаш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “Электротаъмир”МЧЖ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инobatга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЗИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ бош бухгалтери А.Бекмуратовга: Юкоридагилардан келиб чикиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022-йил 25- июлдаги электрон баённомасига асосан голиб “Электртаъмир”МЧЖ корхонаси билан конунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. НСЭҚБ бошлиғи О.Тоштемировга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат килинсин.

Комиссия аъзолари

Ш.Рахмонов

Раислик қилувчи

А.Бекмуратов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

А.Азизов

Комиссия аъзоси, МУУХАВБ бошлиғи

О.Тоштемиров

Комиссия аъзоси, НСЭҚБ бошлиғи

М.Корабаев

Комиссия аъзоси, ТКФБ бошлиғи

Ш.Козоков

Котиб, Давлат харидлари мутахассиси